

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ МАҲОРАТ
МУАММОСИНИ ИЛМИЙ -НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Икрамова Маликабону Азизовна

*Бухоро психология ва хорижий тиллар институти
таянч докторанти*

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз тили ўқитувчиларини касбий маҳорат муаммосини илмий -назарий асослари ўрганилган.

Калит сўзлар педагогик кадрлар, компетентлик, компетентлиг, касбий маҳорат, ўзаро муносабат.

Жаҳонда замон талабларига мос, касбий фаолият учун зарурӣ сифат ва фазилатларни эгаллаган, ижтимоий фаол педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг педагогик-психологик компетентлигини такомиллаштириш усусларини ишлаб чиқиши бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда, инглиз тили ўқитувчиси касбий маҳоратини ривожлантиришга қаратилган замонавий таълим сифатини ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган инновацион натижаларни амалиётга татбиқ этишга бўлган зарурат тобора ортиб бормоқда.

Ўқитувчи касбий маҳоратини шаклланганлиги ўқувчилар эмоционал-иродавий ҳамда психологик ривожланишидаги нуқсонларни тузатишга, билиш фаолиятининг фаоллашувига, билим, кўникумга ва малакаларининг шаклланишига, атрофдагилар билан ўзаро муносабатларда уларнинг ижтимоий роллари идентификациялашувига хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан, ўқитувчи касбий маҳоратини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш, тадқиқ қилиш ва ривожлантириш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда, инглиз тили ўқитувчисини фаолиятининг ижтимоий-психологик самарадорлиги, энг аввало, унинг педагогик маҳорати, муомала маданияти ва интеллектуал салоҳиятига қўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги янада яққолроқ сезилмоқда. Ўқитувчи касбий фаолиятида касбий маҳоратини устуворлиги, унинг фаолият самарадорлигини ошириб, унга ижобий таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни шакллантиради ҳамда ўқитувчи педагогик-психологик компетентлигини такомиллаштиришга олиб келади.

Маълумки, ижтимоий психология фанида айнан касбий маҳорати муаммосига бағишлиланган ва унинг барча омилларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида касбий маҳорати муаммосининг зарурлигини кўрсата

олувчи ва унинг методологик илдизларини асослаб бера оловчи илмий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин. Мазкур адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, улардаги касбий маҳорати методологиясига тааллуқли айрим умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуктаи назаридан тадқиқ қилишимизга тўғри келди.

Чунончи, барча тадқиқотчилар ҳам ижтимоий психологиянинг методологик тамойилларига амал қилган ҳолда касбий маҳорати учун муҳим бўлган у ёки бу жиҳатини назарий-илмий тарзда асослаб берадилар. Булар ичида касбий маҳорати учун муҳим назарий-илмий аҳамият касб этувчи ижтимоий психологик вазифаларни аниқлашга қаратилган бир қанча психологик ёндашувларни келтириб ўтиш мумкин.

Касбий маҳоратни табиатини ёритишида мавжуд психологик ёндашувларнинг умумий ҳолатини таҳлил этар эканмиз, бугунги кунга қадар мавжуд ёндашувларнинг қуйидаги тартибдаги психологик ёндашувлар сифатида қайд этиш мумкинлигига яна бир бор амин бўлдик.

Касбий маҳоратнинг таркиб топиши ва шаклланиши бўйича муайян ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар бир қатор илмий манбаларда ўз аксини топган.

Касбий маҳорат муаммоси Рубинштейн томонидан чуқур таҳлил қилинган. Унинг касбий маҳорат жараёни муаммоли вазиятдан бошланади деган улуғвор фикри то ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг фикрига кўра инсонда бирон нарсани англашга нисбатан эҳтиёж туғилгандан кейин у фикр юритишга ҳаракат қиласи. Бу эса ўз ўзидан шахсада ақлий интеллектнинг ривожланишига олиб келади.

Бизнинг мақсадимиз касбий маҳоратнинг умумий ёндашувлари табиатига хос жиҳатлар ва улар борасидаги илгари сурилган илмий ғояларнинг чуқур таҳлилига эмас, балки касбий маҳоратни умумий психологик табиатини ёритишга йўналтирилган.

Юқоридаги илмий ёндашувлар ва изланишлар борасидаги таҳлилларимиз касбий маҳоратни ижтимоий фойдали мослашувнинг намоён бўлиши тарзида талқин этишимизга олиб келмоқда. Масалан, ушбу фикримизга мос В.Штерннинг касбий маҳорага хос бўлган қуйидаги холосаси, яъни касбий маҳорат «янги ҳаётӣ шароитларга мослашишга умумий қобилиятлилик» тарзда қарashi ва «мослашув акти – ҳаётӣ масалаларни интеллект ёрдамида ҳал этиш, фикрлашда онгнинг онгизлиқ устидан устунлик қилиши баробарида амалга оширилади», деган мулоҳазасини келтириб ўтишимиз мумкин. Атоқли психолог Я. Пономарёв касбий маҳоратни шаклланиш муаммосига алоҳида, ўзига хос қараш, оригинал ёндашиш билан кириб келганлиги муҳим аҳамият касб этади. Олимни қўпроқ касбий маҳоратнинг психологик механизmlарини очиш масаласи қизиқтиради ва бу соҳада етарли даражада юксак натижаларга эриша

олган. Муаллиф касбий маҳоратни психологик механизмининг марказий таркибий қисми сифатида икки бир-бирига кириша олувчи муҳитларни келтирган, яъни интуитив ва мантикий.

Брушлинский фикрича, ижод-бу ривожланишdir, ривожланиш эса доим ўтмиш чегараларидан, олдиндан белгиланган намунадан келиб чиқади. Олдиндан сезиш ва олдиндан айтиб беришни (диагноз,прогноз кабилар) тақозо этади. Д. Богоявленская (1992)нинг назариясига биноан, касбий маҳоратни асосида интеллектуал қобилияtlар ётади. Репродуктив, эвристик, креативлик. Унинг фикрича, интеллектуал ташабbus, янги ғояларнинг туғилиши интеллектуал фаолликнинг ўлчови, мезони ҳисобланади. Интеллектуал фаоллик атамаси интеллектуал сустлик (пассивлик) нинг қарама-қарши кўриниши сифатида вужудга келади.

Н.Менчинская (1989)нинг қайд этишича, касбий маҳоратни ахборотлар ташкил қиласи. Ахборотлар ижобий бўлиши ва қабул қилиниши, ёки аксинча, салбий бўлиши ва инкор этилиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам биз ахборотларни қайта ишлашнинг маълум темпи билан боғлиқ ақлий фаолликни намоён этишимизга тўғри келади. Олинган ахборотлар, ундан фойдаланиш имконияти, натижаларга реал эришиш даражаси, барча баҳолаш тизимини намоён этишни таъминлайди. Бу эса инсонни ўзини ўзи англаш жараёнида ўзини ўзи ва ўз мавжудлигини тушунишига олиб келади. В.Шадриков (1997) касбий маҳоратга маънавият билан маънавий қобилияtlарнинг биргаликдаги компоненти тарзида қарайди. Унга кўра, бу таркибий қисм ўраб турган воқеликни оддий баҳолаш бўлмасдан, балки инсоннинг маънавий жиҳатлари билан солишириш ва шахснинг ички ўзгаришларини белгиловчи социал муҳит билан ўзаро таъсиrlашувини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 60–70 йилларида социал билиш ва шахснинг коммуни-катив қобилияtlарини ўрганишга доир изланишлар кенг кўламда амалга оширилди. Бу эса социал перцепция муаммосига этибор қаратишга ва социал интеллектнинг табиати ва таркиби тўғрисидаги илмий тасаввурлар асосида уни ўрганишнинг илмий асосларининг яратилишига олиб келди.

Касбий маҳоратни ташкил этувчи омиллар етарлича шаклланган шароитда шахсда юз бериши мумкин бўлган жараёnlар, уни талқин қилиш ва келажакдаги ходисаларни башорат қилишига имкон беради. Шу сабабли шахснинг амалий масалаларни ҳал қила олиши, вербал ва ижтимоий муносабатларга қобилияtlилиги социал интеллектнинг таркибини ташкил этувчи асосий компонентлар ҳисобланади.

Рус олимаси Г.Геранюшкина касбий маҳоратни бошқаларни тушуниш қобилиятигина эмас, психик ҳолатлар ва шахслараро муносабат-ларнинг ўзгаришига мувофиқ ўзини доимо ўзгаририб бориши, шахслараро муносабатда

ўзини ва шеригининг хулқ-атворини англаши ва ўзаро таъсирлашув натижаларини башоратлаш қобилияти сифатида талқин қилди. У ўзининг ёндашуви асосида шахс социал интеллектининг уч даражали моде-лини тақдим этди.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни хulosалаш мумкинки, касбий маҳорат борасидаги ёндашувларнинг бугунги кундаги ҳолати бўйича ҳали ҳам ягона талқин мавжуд эмас. Касбий маҳоратни кўп қиррали қобилиятлар тарзида талқин этилганлиги боис у инсон фаолияти билан узлуксиз боғлиқдир.

Барча илмий адабиётларда касбий маҳоратни муаммосига умумий ёндашув тенденцияси амалга оширилган бўлиб, унда шахснинг ижтимоий – психологик табиатидан келиб чиқувчи ўзига хос илмий мушоҳадалар тадқиқ қилинган. Касбий маҳоратни талқин қилинишида унинг касбий компетентлик шаклланишида ҳам алоҳида ўрни борлиги ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги қайд этилади. Зоро, касбий маҳоратни касбий камолот маҳсули сифатида ҳам алоҳида илмий тадқиқотлар объектига айлантирилганлигини ва бу жараёнда маълум хulosалар қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеева, Ф. И. Психология профессионального долголетия учителя / Ф.И. Алексеева; под ред. М.А. Дмитриевой. - СПб. : Изд-во С.- Петерб. ун-та, 2004. -189 с.
2. Бабакова, Н. П. Особенности психологического здоровья в юношеском возрасте и возможности его коррекции : автореф. дис. ... канд. психол. наук: 19.00.13 / Бабакова Н. П. – Ростов-на-Дону, 2007. – 25 с.
3. Баротов Ш.Р ва бошқ. Экспериментал психология. – Магистрлар учун ўкув қўлланма. – Т.: Фан нашриёти, 2008. - 108 б.
4. Ганзен, В.А. Описание психических состояний человека / В.А. Ганзен // Психические состояния / Сост. и общая редакция Л. В. Куликов. - СПб. : Питер, 2001. - С. 60-72. 296